

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «12» 12

317-1-17-МТ/2022-сон

ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Асака тумани Мактабгача таълим бўлими номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбар Т.Газибоева бир томондан ҳамда кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган RUSTAMBEK MUHTASHAM QURILISH RIVOJ MCHJ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Ш. Шокиров иккинчи томондан объектни капитал таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра Асака туман Мактабгача таълим бўлимига карашли 1-МТТ биносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига капитал таъмирлаш курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилиши тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ккс билан 109771618 (Бир юз туккиз миллион етти юз етмиш бир минг олти юз ун саккиз минг ташкил этади.

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

### 3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартнома ҳамда унинг иловасига мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

### 4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;



- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### 5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1 Шартнома бўйича белгиланган ишлар миллий валюта "сўмда" ҳисоб-китоб қилинади, томонлар уни имзолаган ҳамда қонуни ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

5.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ шартнома қийматининг 30 фоиз аванс тўлови ҳисоб-рақамига келиб тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

#### 6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорда, 32931485 (Уттиз икки миллион туккиз юз уттиз бир минг тўрт юз саксон беш ) сўм олдиндан тўловни бюджет маблағлари ҳисобидан ўтказиб беради..

6.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун, молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

Шартнома қийматининг қолган 70% тўлови ишлар, хизматлар бажарилгандан сўнг 20 кун мудат ичида амалга оширилади.

#### 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-харакатларда қатнашмаслик, шу жумладан, ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки шартнома ва битимларга таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар қуринишда; - пора таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик, пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқларни олмаслик, ўз ваколатларини сунестемол қилмаслик мажбуриятларини олади.

#### 7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.2 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.3 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.4 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.5 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.



7.6 Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.7 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.8 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.9 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.10 Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тuzата олмаса, Пудратчи уларни тuzатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

## 8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

9.2 Мазкур шартномага асосан бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3 Шартномага мувофиқ тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа ва шаклларида бажарилган ишлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

9.4 Пудратчи қурилиш ишларини шартномада белгиланган муддатда бажармаса ўз мажбуриятларини бузганлигичун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

9.5 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, Буюртмачи объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

## 10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ



10.1 Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

11. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

11.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.


11.2 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

11.4 Мазкур шартномабир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилиб, ҳар икки тараф томонидан имзоланиб, ҳудудий Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Пудратчи	«БУЮРТМАЧИ»
“RUSTAMBEK MUHTASHAM QURILISH RIVOJ MCHJ	Асака туман МТБ
Телефон: + 998930607040	Телефон: 998934106348
Манзил : Асака туман	Манзил: Асака ш. А.Темур МФЙ Г.Якубов куча 4-уй
Хисоб рақами: -20208000705236180001	Ш/х.в – 100022860032247091100251043
«20208000705236180001	ИНН – 305153992. ОКОНХ – 92400
ИНН: - 309551234, МФО - 00037-	Ўз.Респ. Молия Вазирлиги Ғазначилик
	х/р–23402000300100001010, ОКОНХ 97400
	ИНН – 201122919. МФО – 00014
	«Марказийбанк» Тошкент шаха Б.ХККМ
Раҳбар: Ш.Шокиров	Раҳбар: Т.Ғазибоева



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

UG3088628714

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "ASAKA TUMANI  
MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan  
07.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Asaka tuman yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**M.K.ABDIVOXOBOV**

07.12.2022